

БЕГАЛИ ҚОСИМОВ, ШАРИФ ЮСУПОВ,
УЛУҒБЕК ДОЛИМОВ, ШУҲРАТ РИЗАЕВ,
СУННАТ АҲМЕДОВ

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги университетлар ва педагогика олий
ўқув юртларининг филология факультетлари учун
дарслик сифатида тавсия этган

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2004

Дарсликни майдонга келтиришда Ўзбекистон Миллий университети Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти кафедрасининг барча аъзолари фаол иштирок этдилар. Проф. Ш. Юсупов «Мухйи Хўқандий» мақоласини ёзди, «Комил Хоразмий»га ҳаммуаллифлик қилди. «Фурқат» мақоласи Н. Жабборов, шунингдек, «Муқимий» С.Аҳмедов, «Авлоний» III. Ризаев билан ҳаммуаллифликда ёзилди. «Камий» мақоласи ўқитувчи О. Олтинбек қаламига мансуб.

«Феруз», «Аҳмад Табибий», «Исҳоқхон Ибрат», «Ҳамза», «Абдулла Қодирий» мақолаларини дод. У. Долимов ёзди. Қолган адабий портретлар ва обзор мақолалар ҳамда «Кириш» билан «Хулоса» муаллифи проф. Б. Қосимовдир.

Махсус муҳаррир: проф. **Ш. Юсупов**

Масъул муҳаррир: **Н. Жабборов**

Тақризчи **Боқижон Тўхлиев**, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ

Икки буюк аср - XIX ва XX асрлар оралиғидаги 50—60 йиллик давр қадим ва бой ўзбек адабиёти тарихида ғоят муҳим аҳамият касб этади. Негаким, биринчидан, «Адабиёт миллат ойнаси» (Авлоний) сифатида халқимиз ҳаётида юз берган энг катта бахтсизлик - ўз мустақиллигини йўқотиши воқеаларини лоқайд кузатишдан унинг фожиали оқибатларини чуқур идрок этиш ва истиқлол учун курашга чақиришгача бўлган йўлни босиб ўтди. Иккинчидан, адабиёт давр воқеалари таъсирида ғарблашди; мазмун-мундарижаси кенгайди; даврий матбуот ва театрнинг пайдо бўлиши билан янги адабий тур ва жанрлар пайдо бўлди. Анъанавий шеърят ва у билан боғлиқ тимсолларга янги мазмун кириб келди. Якка ҳукмрон аруз ёнига унутилган эски бармоқ вазни қўшилди. Сарбастда тажрибалар қилинди. Мансуралар ёзилди. Бир сўз билан айтганда, замонавий реалистик адабиёт майдонга келди.

Бу давр адабиёти жуғрофияси ҳам олдингиларидан фарқ қилади. Адабий ҳаракатчилик XVII-XIX асрлардаги каби уч мустақил хонлик доирасида эмас, Русияга мутлақ тобе Туркистон генерал губернаторлиги ҳамда ярим вассал Бухоро ва Хивада уюшди. Бу ҳол умумўзбек адабий маҳсулотининг мавзу-мундарижасигагина эмас, тил хусусиятларидан жанрлар поэтикасигача ўз изини қолдирди.

Миллий уйғониш, миллатнинг ўзлигини англаш жараёни мазкур давр адабиётининг руҳи ва мазмунини ташкил қилди. Буни адабиётшунослик ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ эътироф этган эди. Миллий уйғониш биргина адабиёт доирасида қолгани йўқ, ижтимоий турмушнинг барча қатламларини қамраб олди, ҳатто «босмачилик» номи билан «ғалати машҳур» бўлиб тарихга кирган ҳодисанинг ҳам мафқураси миллий уйғонишга, Унинг самараси бўлмиш мустақиллик учун курашга келиб боғланарди.

Миллий уйғониш минтакамизда жадидчилик шаклида намоён бўлди. Ва у 20-йилларнинг ўрталаригача давом этди. 1926 йилдан советлар унга қарши кенг кўламда кураш бошладилар. 1929 йилдан уларни жисмоний тугатиш йўлга қўйилди. Бинобарин, бу ҳаракатнинг юзага келиши бевосита истило ва унинг оқибатлари билан боғланган бўлиб, унинг шаклланиш даврини 1865—1905 йиллар билан белгиламоқ керак бўлади. 1905 йил воқеалари, хусусан, 17 Октябрь Манифестидан кейин у ривожланиш босқичига кирди. 1916 йилга келиб, жадидларимиз «қора халқни оқартирмоқ ва кўзин очмоқ чорасига» (Авлоний) киришдилар. Мамлакат ҳаётида ўчмас из қоддирган 1916 йил мардикорлар кўзғолонида жадидларимиз халқ билан ёнма-ён турдилар. Афсуски, тарих истиқлолни эгаллаш учун ноёб бир шароит яратган 1917 йилнинг Февралига халқимиз лозим даражадаги тайёргарлик билан етиб кела олмади. Бутун Русия каби Туркистонни ҳам «большевик балоси» (Фитрат) қоплаб олди. Шунга қарамай, тараққийпарвар фидойи зиёлиларимиз мустақиллик учун курашни тўхтатмадилар ва 1917 йилнинг 27 ноябрида Туркистон мухториятини эълон қилдилар. Туркистон (Қўқон) мухторияти уч ойга етмай, шўролар томонидан шафқатсизларча йўқ қилинди. «Миллатчи» дея ном олган миллатпарварларимизнинг омон қолганлари тоғ-тошларга қочиб, курашни давом эттирдилар ва Ватан озоддиги йўлида шаҳид кетдилар. Бу жараён 20-йилларнинг охиригача давом этди. Бинобарин, 1905-1929 йиллар жадидчилик (миллий уйғониш) ҳаракатининг тараққиёт ва тугатилиш давридир.

Миллий уйғониш (жадид) адабиёти XIX аср охирларида юзага келган мазкур ҳаракат ғояларининг адабий-бадиий ифодаси эди. Лекин гап шундаки, у жадидчиликнинг шунчаки бир кўرғазмаси (иллюстрацияси) бўлиб қолмади, чинакам адабиётга айланди. У янги адабиётни бошлаб берди. Авжи тараққийси 1915-1925 йилларга тўғри келди.

Шулардан келиб чиқиб, миллий уйғониш даври ўзбек адабиётини 2 босқичга ажратдик: 1) Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг илк босқичи: манбалари ва юзага келиши (XIX аср охирлари); 2) миллий ва ижтимоий курашлар даври: тараққиёти ва тугатилиши (XX аср биринчи чораги).

Унинг кўлами ва жуғрофияси ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш, ижодкорларни етказган муҳит билан таништириш заруриятидан келиб чиқиб, адабий-маданий марказлар ҳақида маълумот беришга уриндик.

Мазкур давр адабиётини миллий уйғониш нуқтаи назаридан ўрганиш бевосита мустақиллигимиз самараси бўлганлигидан ундаги миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари ҳамيشа диққат марказимизда турди.

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ИЛК БОСҚИЧИ

Атама ҳақида

Цивилизация тарихида «Ренессанс» деган тушунча бор. Асли французча бўлган бу сўзни русчага «Возрождение» деб таржима қиладилар. «Возрождение» — тикланиш маъносига тўғри келади. Ўзбекчада эса бу «Уйғониш» деб қабул қилинган.

Ренессанс—Возрождение Ғарбда инсоният тарихининг мумтоз даври ҳисобланиб келадиган қадим юнон, рим маданиятига — антик маданиятга нисбатан айтилган бўлиб, бутун бир даврни қамраб олади. Унинг чегарасини Шарқда IX-X асрдан, Ғарбда XIV—XV асрдан белгилайдилар. Ва унинг бош хусусияти, мута-хассислар фикрича, шаҳар маданиятининг гуркираб ўсиши, илм ва ижод эгаларига хос қомусийлик, гуманизмнинг ижтимоий-маънавий турмушнинг барча жабҳаларига кириб боришидир. 1789 йилги Буюк Француз инкилоби Европада миллат тушунчасига алоҳида мартаба берди ва уни олдинги маррага олиб чиқди. Европа халқлари Ватан тараққиётининг бош омили миллатнинг ўз-ўзини англаши эканлигини тушуниб етдилар. Бу жараённинг олис Туркистонга етиб келиши учун юз йилдан ортиқроқ вақт кетди.

Кекса Демокрит бундан 2500 йил муқаддам «ҳар бир мамлакатнинг ягона соҳиби» — «миллат» ҳақида гапиргани маълум. Сўнг замонлар ўтиб, «nation»нинг муқобили «миллат»га биз Қуръони каримда дуч келамиз. Лекин у ерда бу атама этнос (эл, элат) эмас, дин, мазҳаб ўрнида келади. Ўзбек адабиётида «миллат» тушунчаси этнос маъносига Навоидан бошлаб ишлатилгани кузатилади. Лекин унинг бугунги маъносини касб этиши жаҳидчилик даври билан боғлиқ.

Энди «жаҳидчилик» атамаси ҳақида. «Жаҳидчилик» арабча «жаҳид» («янги») сўзидан. Кенг маънода ижтимоий-маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларини янгилашни кўзда тутди. Жаҳидчилик, Туркистон ижтимоий фикри тараққиётида, Фитрат қайд этганидек, исломчилик (панисломизм), туркчилик (пантуркизм) ва маҳаллийчилик (ўзбекчилик) кўринишларида ҳам намоён бўлган эдики, буларнинг ўз сабаблари бор. Масалан, исломчилик ва туркчилик, чор ҳукуматининг ғайрирусларга-мусулмонларга қарши олиб борган буюк миллатчилик сиёсатига жавоб сифатида майдонга келган бўлса, маҳаллийчилик (ўзбекчилик) 1918-1920 йилларда Туркистонда адабий тил борасида авж олган «торт-торт» муносабати билан юзага келган эди. Гап шундаки, Биринчи Жаҳон урушида Русияга асир тушган кўплаб усмонли турк зобитлари 1917 йил воқеаларидан сўнг Туркистонга келиб, маориф ва маданият ишларида фаол иштирок этар эканлар, адабий тил борасида Истанбул туркчасига қизғин тарафдорлик кўрсатган ва бу ўзбек зиёлилари орасида муайян эътирозлар туғдирган эди. Лекин бу қарашларнинг ҳар учаласи ҳам 20-йилларнинг ўрталарида оддинма-кейин барҳам топди.

ДАВРНИНГ ИЖТМОИЙ-МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ. МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ЮЗАГА КЕЛИШИ

«Уйғониш» (Ренессанс) тушунчаси қадим антик адабиётга нисбатан олинган бўлиб, ўрта асрлардаги илм-фан жонланишини кўзда тутди. Унинг доираси турли мамлакатда турлича, IX асрдан XV асргача бўлган даврни қамраб олади. «Миллий уйғониш»да эса, миллатнинг ўзлигини англаши асос қилиб оли-нади. Биз «Миллий уйғониш» даври адабиёти деганда XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари адабиётини кўзда тутамиз. У ўзига хос бир даврдир.

Давр воқеаларига бир назар

1853—1885 йилларда кўҳна Туркистон Русия томонидан босиб олинди. Аслида бу истак ва

ҳаракат русларда анча эрта, тақдир турк дунёсини таназулга тушириб, Европанинг қўлини сарбаланд қилган XVI асрдан, Иван Грозний замонасидан бошланган эди. У 1552 йилда Қозон хонлигини, 1556 йилда Хазар хонлигини забт этиб, Русни муаззам Осие сарҳадларига олиб чиқди. Пётр дунёга донғи кетган Самарқанду Бухорони қўлга киритиш, ундан денгизлари ҳеч қачон музламайдиган Ҳиндистонга кириб боришни буюк орзу билган эди. Бу орзуни у амалга ошира олмади. Унинг ишини издошлари давом эттирдилар. XVIII асрда Ермак Узоқ Шарққача бўлган жойларни босиб олиб берди. XIX асрнинг бошларидан руслар қадим шухратшиор Туркистоннинг шимолий дарвозаларини пайпаслаб кўра бошладилар. Туркистон эса temuрийлар ўрнини эгаллаган Шайбонийхоннинг узоқ давом этмаган марказий ҳокимиятидан сўнг, аста-секин парчаланишга юз тутган ва уч хонлик деб аталмиш уч бўлакка бўлиниб, ўзаро низо ва жанжаллар ботқоғига ботган эди. Туркистонни ўрганганлар, эҳтимол, подшо Александр II га шундай хулоса берган бўлсалар ажаб эмас: мамлакат дунёдан узилган; Улуғбеклар дарс берган мадра-салардан нишон қолмаган; илм-фан ночор аҳволда; жаҳолат ва зулм авжга минган; давлатларнинг муҳофаза қудрати ҳам ўзига яраша; қурол-яроғ оз, бори ҳам эски, ибтидоий; аскар тартибсиз, дунёдан хабарсиз, замонавий тўп нима, билмайди; уруғ-насаб жанжаллари тинмайди... Хуллас, Туркистонни забт этишга бундан қулай фурсатни топиб бўлмайди.

Туркистонни эгаллаш иштиёқи жаҳоннинг икки буюк мустамлакачи мамлакати — кекса, ҳийлакор ва тадбиркор Англия билан ёш, барқ уриб келаётган Русия манфаатларини бирбирига тўқнаштириб қўйди. Русиянинг Туркистонга изчил, қадам-бақадам кириб келиши, ҳаракатларининг жанубдаги иссиқ денгизлар томон қаратилиши эҳтимоли Ҳиндистон ва Афғонистонни ўз қўлида тутиб турган Англияни ташвишга солди. Қолаверса, Туркистоннинг туганмас бойликларидан баҳраманд бўлиш, ҳеч бўлмаса ундан бозор ўрнида фойдаланиш инглизларнинг ҳам хаёлида бор эди. Русия ҳам Туркистоннинг бор бойлигига даъвогар эди. Қадим юрт икки аждаҳо қаршисида чорасиз тўлғанарди. Вазият «эчкига жон қайғуси, қассобга ёғ» қабилида эди.

Икки мамлакат ўртасидаги пинҳоний кураш кучайди. Англия Туркистондаги уч хонликни Русияга қарши бирлаштириш ва уларни замонавий қуроллар билан қуроллантириб, урушга солиш режасини тузди. Агар хонликлар ўз мустақилликларини сақлаб қола олсалар, Англия ва Русия ўртасида оралиқ майдон ҳосил бўлар ва бу ерда ҳар икки мамлакат ўз саноати маҳсулотларини хоҳлаган нархларда сотиши мумкин эди. Англия шуларни кўзда тутиб, хонликларга махсус вакиллар юборади. 1841-1842 йилларда Туркистонга келган бу вакилларнинг таклифларини Қўқон ва Хива хонликлари қабул қиладилар. Бироқ ўзига бино қўйган Бухоро амири Насруллохон инглизлар таклифларини рад этади, аксинча, элчига ўлим йўқ, қондасига зид ҳолда вакилларни қатл эттиради. Ва Туркистон мустақиллигини сақлаб қолишда тарих берган бирдан-бир имкониятни қўддан чиқаради.

Шунга қарамасдан, инглизлар Русияга қарши Туркистон мудофаасини ташкил этишга ҳаракат қиладилар. Жумладан, Мустафо исми билан Қўқонга замонавий тўп қуювчи уста юборганликлари, Ҳиндистондаги туркий сипоҳийларга ўз ота-юртларига ёрдамга келишларига рухсат этганликлари маълум.

Бу ҳол, айни пайтда, Русиянинг хатти-ҳаракатларини ҳам тезлаштирди. 1853 йилда Перовский Қўқон хонлигининг шимолдаги дарвозаси Оқмачитга шиддат билан ҳужум қилди. 400 ҳимоячи замонавий қуролланган 2500 кишилиқ қўшинга қилич-найзаю, пилта милтиқ билан қарши турдилар ва қалъани 20 кун, сўнгги томчи қонлари қолгунча ҳимоя қилдилар. 1860 йилда полковник Диммерман Пишпекка ҳужум қилди. 1864 йил 1 майда Авлиёота, 12 июнда Туркистон шаҳри босиб олинди. Сентябрда Чимкент забт этилиб, вайрон қилинди.

*Дариғо, ушбу Чимкентни ўруслар кўп хароб қилди,
Ямону яхшини қўймай қириб-туйиб, адо қилди, -*